

**МИНИСТЕРСТВО ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Мавзу: Факулудда Вазият зонасида разведка**

- **Фавкулодда вазиятлар зонасида разведка** – бу авария- куткарув ишлари ва бошка зарур ишларни самарали бажариш, ахоли хаёт фаолиятини химоя килиш учун, бошқариш органларига ва кучларига фавкулодда вазият содир булган худудаги холат тугрисида ишончли маълумотларни аниклаш ва оператив этказиб бериш харакат тури.
- **Фавкулодда вазият зонасида разведка вазифаси.**
- Разведка - фавкулодда вазиятлар зарарларини бартараф килиш, ахоли, жабрланув-чилар ва куткарувчиларнинг хаётини саклаб колишда асосий омиллардан бири.
- ***Разведка вазифаси:***
- фавкулодда вазият зонаси ва характерини аниклаш;
- жабрлангар жойини ва уларнинг холатини аниклаш;
- радиоактив, кимёвий, биологик ифлосланиш даражаларини аниклаш;
- ФВ зонасидаги объектларнинг холатини бахолаш (курилиш, мухандислик коммуни-кациялар, аълока тизими, сув таъминоти ва б.);
- ёнгин учокларини топиш;
- куткарув ишлари буладиган жойларга етиб бориш йулларини ва жабрланган ахолини кучириш (эвакуация) йулларини аниклаш;
- излаш-куткарув ишлари режасига аниклик киритиш.

- **ФВ зонасида разведка олиб бориш усуллари**
- ***ФВ зонасида разведка ишлари куйидаги усуллар билан олиб борилади:***
- ер устида;
- хавода;
- сувда (сув остида);
- ер тагида.

### ***Ер усти разведкаси***

- Ер усти разведкаси – бу асосий разведка тури хисобланади. Ер усти разведкаси 3-4 одамдан тушкил топган группа ёрдамида яёв холда, транспорт васитаси ёки махсус ускуналар ёрдамида амалга оширилади.
- Разведкачи куриш оркали ва назорат ускуналари ёрдамида объект ва ташки мухит холатини аниклайди. Ер усти разведкаси вазифаларига – одамлар яшириниши мумкин булган панагохлар, ертулалар ва ер ости яшириниш жойларини топиш, улар билан аълока урнатиш, бази холларда хаво кириш учун тешикларни тозалаш, информация, озик овкат, дори-дармон етказиш, кимёвий, биологик зарарланиш ва радиация даражасини аниклаш, ёнгин чикиш даражасини аниклаштириш ишларини бажаради.

- ***Хаво разведкаси***

- Хаво разведкаси - самолет, вертолет, дрон ва бошка учувчи аппаратлар ёрдамида куз билан, суратга олиш ёки тугридан тугри телевидение оркали курсатиш, дозиметрик назорат килишдан иборат.
- Хаво разведкаси вазифасига фавкулудда вазият чегараси ва характерини, бинолар, йуллар, куприклар, кучкилар, уюмлар, ёнгинларни холатларини аниклаш, ФВ зонасида жабрланганларни топиш, техникалар юра оладиган маршрутларни аниклаштирилар киради. Барча олинган маълумотлар харитага туширилади ва куткарув ишлари бошлигига радио оркали маълумот берилади.

- ***Сув (сув ости) разведкаси***
- Сув (сув ости) разведкаси- сувда ёки сув остида фавкулудда вазиятлар юз берганда керакли маълумотларни олиш ва аниклаштириш учун кулланилади. Бу мақсадда кайиклар, кемалар, сув ости аппаратлари ва сувга шунгувчилардан фойдаланилади.
- ***Сув разведкасига куйидаги асосий вазифалар киради:***
- ФВ урганиш ва хусусиятига баҳо бериш;
- жабрланганларни излаб топиш ва ёрдам бериш;
- юколган ёки чукиб кетган объектларни излаш, ҳолатини баҳолаш, уларга ёрдам бериш йулларини ишлаб чиқиш;
- сувда радиолокацион ва биологик назоратларни олиб бориш;
- ҳолатни урганиш ва унинг ҳаракатини талкин қилиш;
- фарватерларни аниклаш ва сигнал белгиларини куйиш;
- гидротехник иншоотларнинг ҳолатини аниклаш (дамбалар, плотиналар, шлюзлар, сув ости фундаментлари).

- ***Ер ости разведкаси***
- Ер ости разведкаси – ер тагида жойлашган иншоотларга фавкулудда вазиет натижасида келтирилган зарарларни урганиш ва тулик маълумотларни олиш учун кулланилади (в шахта, метро, горлар, ер ости иншоотлари).
- ***Ер ости разведкасини олиб боришда енг аввало куткарувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга асосий этибор бериш керак, чунки улар:***
- ер остига тушадилар;
- холатни урганади ва юкори рахбариятга хисобат беради;
- жабрланувчиларни топади ва уларга ёрдам беради;
- юкорига кайтади.
- Кидирув-куткарув ишлари разведка билан биргаликда ёки разведка тугагандан сунг олиб борилиши мумкин. ФВ бартараф этилмагунча, уни назоратда ушлаб туриш учун разведка ишлари тухтатилмайди.

- **ФВ зонасида разведка турлари**
- ***ФВ зонасида умумий разведка*** – фавкулудда вазиятлар худудида вазият буйича маълумотларни аниклаштириш, жабрланганлар сони, холатнинг даражаси ва характери, радиоактив ифлосланиш, кимёвий ва биологик зарарланишнинг ёйилиш йуналишини аниклаш мақсадида кулланилади. Бу ишлар Фукаро Химояси, авария-куткарув ва ФВ бартараф килиш учун жалб килинган разведка отрядлари, дозорлари, группалар ва кузатув постлари тамонидан олиб борилади.
- ФВ зонасида махсус разведка уз ичига куйидаги асосий разведка турларини олади:
  - биологик;
  - мухандислик;
  - тиббий;
  - радиацион;
  - санитар-эпидемиологик;
  - кимёвий;
  - ёнгинга карши.

- **Биологик разведка**
- **ФВ зонасида биологик разведка** – бу фавкулудда вазиятлар зонасида биологик холат буйича маълумотлар ийгиш ва узатиш.
- ФВ зонасида биологик разведка – биологик хавфли булган объектларда авариялар содир булганда, бу холатни уз вактида аниклаш ва ахоли орасида хавфли эпидемиялар таркалишининг олдини олиш борасида олиб борилади.
  
- **ФВ зонасида биологик разведка ишларида:**
- зарарланиш манбаси характери ва чегарасини аниклаш;
- одамларнинг касалланишини ташки белгиларига караб аниклаш;
- касаллик манбаси ва касаллаанганлар сонини аниклаш;
- захарланган шароитдан намуна олиб, лаборатория изланишларини олиб бориш;
- мазкур зарарланиш учоги ва унга якин жойлашган худудларда доимий назорат урнатиш.



- ***Мухандислик разведкаси***
- **ФВ зонасида мухандислик разведкаси** – бу фавкулудда вазиятлар зонасидаги мухандислик ҳолат бўйича маълумотлар йиғиш ва юбориш.
- ***ФВ зонасида мухандислик разведкасида:***
- йул ва йул иншоотлари ҳолатини аниқлаш;
- объектларда иш бошлаш учун енг қиска ва енг хавфсиз ҳаракатланиш йулни белгилаш;
- ихтисодий ва одамлар яшаш объектларининг бузилиш (вайрон) бўлиш характер ива даражасини аниқлаш;
- уюмлар тагида ёки бошқа жойларда қолиб кетган одамларни топиш, уларни кутқариш учун химоя иншоотларини очиш ва уюмлар тагида қолган одамларни кутқаришда енг осон ва енг хавфсиз йуналишни аниқлаш;
- коммунал-энергетик тизимлардаги зарарланиш (бузилиш)ларни аниқлаш, зарур авария кутқарув ишларининг кетма-кетлигини таъминлаш;
- аҳолини ва ёрдамчи кучларни сув билан таъминлаш ишлари.

- ***Тиббиёт разведкаси***
- **ФВ зонасида тиббиёт разведкаси** – вазият тугрисида тиббий маълумотларни йиғиш ва узатиш.
- ***ФВ зонасида тиббиёт разведкасини олиб боришда:***
- харакатланиш маршрутларида, таълофат марказида ва фалокат майдонида, кучирилган ахоли (эвакуация) жойлаштирилган манзилларда ва фавкулудда вазиятлар кучлари жойлашган худудлардаги санитар-эпидемиологик ҳолатни аниклаш;
- жабрланганларни топиш, уларнинг сонини аниклаш ва ҳолатларини билиш, жабрланганларни олиб чиқиш йулларини дастурлаш ва тиббиёт муассасалари жойлашган манзилга кучириш (эвакуация);
- тиббий ёрдам бериш куламини, тиббиёт кучи ва воситаларини, хавфсиз йиғув пунктларини аниклаш, ва жабрланганларни кучириш учун транспортларга чиқариш.

Барча ишлар тиббиёт булимлари ва муассасалари ёрдамида амалга оширилади.

- **Радиацион разведка**
- **ФВ радиацион разведка** – бу фавкулодда вазият содир булган жойнинг радиацион холати тугрисида маълумот йигиш ва юкори рахбариятга юбориш.
- **ФВ радиацион разведка олиб боришда аникланади:**
- радиоактив ифлосланиш учоги;
- худуднинг, хаво, сув, объектлар, техника ва одамларнинг радиоактив ифлосланиш масшаби ва даражаси;
- радиация даражасининг кам булган худудлар ва йуналишлар;
- радиацион холатнинг узгаришини доимий кузатув ва назоратда ушлаш;
- ахоли ва куткарув кучларини доимий равишда радиацион холат тугрисида огохлантириб туриш.



- ***Кимёвийё разведка***
- **ФВ зонасида кимёвий разведка** – бу фавкулодда вазиёт булган худудда кимёвий захарланиш тугрисида маълумотлар тузиш ва узатиб туриш.
- ***ФВ зонасида кимёвий разведка олиб боришдан мақсад:***
- кимёвий захарланиш манбасини аниклаш;
- хавфли кимёвий унсурнинг турини, фавкулодда вазиётда худуд, сув, хаво, объектлар, техника ва одамларнинг ифлосланиш даражасини аниклаш;
- кимёвий ифлосланган жойларни айланиб утиш йуллари;
- кимёвий хавфсизлик буйича керакли маълумотларни бериш;
- ФВ зонасида кимёвий холатни доимий равишда кузатув ва назорат ишлари.

- **Санитар-эпидемиологик разведка**
- **Санитарно-эпидемиологическая разведка в зоне ЧС –** фавкулудда вазият зонасида санитар-эпидемиолог маълумотларни йигиш ва узатиш ишлари.
- **ФВ санитар – эпидемиологик разведкада:**
- фавкулудда вазият содир булган зонадаги, ахоли эвакуация килинган ва фавкулудда вазиятни бартараф килиш кучлари жойлашган худудлар санитар-эпидемиологик холатини аниклаш;
- чегараланган-режим системасига утиш тугрисида курсатмалар бериш (обсервации и карантина);
- санитар-эпидемиологик холатни доимо кузатув ва назоратда ушлаб туриш.

- **Ёнгин разведкаси**
- **ФВ зонасида ёнгин разведкаси** – это сбор и передача данных о пожарной обстановке в зоне ЧС.
- **ФВ зонасида ёнгин разведкаси:**
- аниклайди: ёнгин белгилари ва манбасини, учок чегарасини; олов таркалиш тезлиги ва йуналиши; огир тутун худуди; ёнгинни чеклаш ва учириш; ёнгинни учириш кучлари ва васиталар талаби, одамларни ёнгин учогидан куткариш; сув манбаининг борлиги ва яроклиги ва ёнгин учогига сув етказиб бериш йуллари.
- ёнгин учогига хаво захарланиши ва тутун билан копланиши даражасини;
- кучлар ва кучириладиган ахоли маршрутидаги ёнгин холатини;
- ёнгин хавфи натижасида портлаш мумкин булган объектларни;
- сув билан таъминлаш системасини холатини .
- ФВ зонасида ёнгин разведкаси ёнгин булинмалари олиб боради.
- **Адабиётлар:**
  - *Организация и технология ведения аварийно-спасательных и других неотложных работ при ЧС. Наставление, часть 1-4. –М., 2003;*
  - [Учебник спасателя](#). Шойгу С.К., Кудинов С.М., Неживой А.Ф., Ножевой С.А. под общей редакцией Воробьева Ю.Л. МЧС России, 1997;

